

## Биология

### PISAга йўналтирилган тест

#### 7 - синф

|  |  |
|--|--|
| <p><i>Ўнгдаги матнни ўқинг. Саволга жавоб бериши учун тегшли жавоб вариантини танланг.</i></p> <p><b>Савол 1.</b> Нима учун ёмғир чувалчанглари ер юзасига оммавий чиқиши ёмғирдан кейин кузатилади?<br/><i>Битта тўғри вариантни танланг.</i></p> <p>А) тупроқ сув билан тўйинган, уларга ҳаво этишмайди<br/>Б) тупроқ юмшоқ бўлади, улар учун судралиб чиқиш осонроқ бўлади<br/>В) улар озик-овқат излаб судралиб чиқишади<br/>Г) ёмғир пайтида улар жуфтлашишади.</p> | <p><b>Тупроқ ишчилари</b></p> <p>Гулнора ёзда боғда экинларни суғоргандан сўнг ёмғир чувалчанглари кўп кўрар эди.<br/>Кечкурун роса ёмғир ёғди, эрталаб Гулнора мактабга кетаётиб ерда, тротуарларда, асфальтда жуда кўп ёмғир чувалчанглари учратди. Уйга келиб у чувалчанглари айнан ёмғирдан кейин одамлар учратганлиги учун уларга шундай ном берилганлигини китобдан ўқиди.</p> |
|--|--|

|  |  |
|--|--|
| <p><i>Ўнгдаги матнни ўқинг. Саволга жавоб бериши учун тегшли жавоб вариантини танланг.</i></p> <p><b>Савол 2.</b> Гулнора ўз тажрибаси билан нимани исботламоқчи эди?<br/><i>Битта тўғри вариантни танланг.</i></p> <p>А) тупроқ ҳосил бўлишида ёмғир чувалчанглари аҳамиятини<br/>Б) тупроқдаги ёмғир чувалчангларининг ҳаракатини<br/>В) тупроқ юзасига неча марта чиқишини<br/>Г) уларнинг кўпайишига тупроқнинг намлиги таъсир этишини</p> | <p><b>Тупроқ ишчилари</b></p> <p>Гулнора тажриба ўтказди. Тупроқ ва кум тўлдирилган банкага ёмғир чувалчанглари солди. Банкага озик сифатида тўкилган барглари ва кўкатлардан солди ва вақти-вақти билан намлантириб турди. 30 кундан кейин барглари қолмади, барча барглари ва кўкатлари ёмғир чувалчанглари ўз инларига тортиб кетишган эди.</p> |
|--|--|

|  |   |
|--|---|
|  | <p>Начало опыта      7-й день      17-день      30- день</p>  |
|--|---|

|   |   |
|---|---|
| <p><i>Ўндаги маттни ўқинг. Саволга жавобингизни ёзинг.</i></p> <p><b>Савол 3.</b> Ёмғир чувалчанглари яшайдиган ва ўсимликлар кўп бўлган тупроқнинг хусусиятлари қандай?<br/><i>Жавобингизни ёзинг</i></p> <p>_____</p> <p>_____</p> <p>_____</p> | <p><b>Тупроқ ишчилари</b></p> <p>Гулнора ёмғирдан кейин боғдаги эгатларда кўплаб ёмғир чувалчанглари учратди, аммо қумли пляжда учратмади. Шунингдек, у ёмғир чувалчанглари кўп бўлган жойларда ўсимликлар кўп ўсиши, пляжда эса ўсимликлар йўқ эканлигига эътибор берди.</p> |
|---|---|

|   |  |
|---|--|
| <p><i>Ўндаги маттни ўқинг. Саволга жавоб бериши учун тўғри вариант жавоб вариантларини танланг.</i></p> <p><b>Савол 4.</b> Ёмғир чувалчанглари сонини камайишига яна қандай сабаблар бўлиши мумкин ?<br/><i>Барча тўғри жавоб вариантларини белгиланг.</i></p> <p>А) Кимёвий ўғитлардан фойдаланиш<br/>Б) Ччуқур шудгорлаш ва тупроқни қайта қазиш<br/>В) Тупроқни 5 см дан чуқур бўлмаган ишлов бериш.<br/>Г) Тупроқни тирик организмлар қолдиқларига бой бўлиши</p> | <p><b>Тупроқ ишчилари.</b></p> <p>Гулнора дугонаси билан турли ҳудудларда ёмғир чувалчанглари сонини ўрганишга қарор қилишди. Улар белкурак билан тупроқни қазишди, қўллари билан саралашди ва чувалчанглари йиғишди.</p> <p>Турли хил ҳудудларда кўрсаткичлар турлича эди. Ёмғир чувалчангларининг аксарияти тупроқ қазилган боғларда ва йўлдан узоқроқ жойларда эди. Ўйин майдончаси , машиналарнинг тўхташ жойи ва йўл яқинида эса кам эди.</p> <p>Улар тупроқ қанча кўп тепаланса ва зич бўлса ёмғир чувалчанглари шунча кам бўлишини хулоса қилдилар.</p> |
|---|--|

|  |                               |
|--|-------------------------------|
| <p><i>Ўндаги маттни ўқинг ва қуйидаги саволга жавоб бериш. Чап устундаги элемент ёнидаги</i></p> | <p><b>Тупроқ ишчилари</b></p> |
|--|-------------------------------|

жадвалда ўнг устундаги тегишли элемент учун ҳа ёки йўқ-ни танланг.

**Савол 5.** Ёмғир чувалчанглари ҳақиқатан ҳам гул илдизларига зарар етказдими?

**Тўғри жавоб учун Ҳа, ни, нотўғри жавоб учун эса йўқ ни танланг.**

| № | Жавоблар  | Ҳа | йўқ |
|---|---|----|-----|
| 1 | Ёмғир чувалчанглари паразитлардир, улар гулларнинг илдизларига зарар етказади.          |    |     |
| 2 | Ёмғир чувалчанглари тупроқни гумус билан бойитади, юмшатиб фойда келтиради.             |    |     |
| 3 | Ёмғир чувалчанглари тупроқдаги ҳар қандай нарса билан озикланиши мумкин                 |    |     |
| 4 | Улар чириган барглар, шу жумладан аллақачон чириган ва юмшоқ илдизлар билан озикланади. |    |     |

Гулноранинг онаси ҳовлидаги гуллар гулламаганидан ва барглари тўкятганидан шикоят қилди. Гулнора дугонаси билан гулзордаги гулларни бегона ўтлардан тозалашга ва тупроқни юмшатишга қарор қилишди. Улар бегона ўтларни тортиб олиб, тупроқни юмшатганда, гуллар атрофида кўплаб ёмғир чувалчанглари кўришди. Гулноранинг дугонаси:- "Эҳтимол, бу ёмғир чувалчанглари гулларнинг илдизларига зарар етказиб шунинг учун гуллар қуриб кетяtgандир?" – деди.